



ТИЖОРАТ БАНКЛАРДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Нурмухаммедов Абдижаббар Юнусович

ТДИУ Мустакил докторанти

Ушбу мақолада тижорат банклари томонидан хизматлар соҳасини кредитлаш самарадорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

В данное статье выявлены актуальные проблемы, связанных с обеспечением эффективности кредитования сферы услуг коммерческими банками и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

In this article were discovered actual issues relating to the provision of effective financing in the sphere of services by commercial banks and were worked out scientific recommendations directed to the solution of these issues.

Таянч сўзлар: актив, гаров объекти, захира, ипотека, кредит, мажбурият, самарадорлик, таснифланган кредитлар, фоизли даромад, ялпи ички маҳсулот, устама фоиз.

Ключевые слова: актив, объекта залога, резерв, ипотека, кредит, обязательства, эффективность, классифицированные кредиты, процентный доход, внутренние валовой продукт, сверх процент

Key words: asset, object of collateral, reserve, mortgage, credit, liability, effectiveness, classified credits, interest income, gross domestic product, overhead interest

Тараққий этган мамлакатлар тажрибасига кўра, хизматлар соҳаси мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши 70-75 фоиз оралиғида тебранади. Бундан ташқари, иқтисодиётда банд аҳолининг асосий қисми, жумладан, АҚШда 80 фоиз, Японияда 70 фоиздан кўпроғи мазкур соҳанинг ҳиссасига тўғри келади. Хизматлар ҳажмининг асосий қисми, хусусан, маиший хизматларнинг 99 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан кўрсатилмоқда. Ўз навбатида, кичик корхоналар харажатларининг 90 фоизгача бўлган қисми тижорат банкларининг кредитлари ва инвестициялари ҳисобидан молиялаштирилмоқда (йирик корпорацияларда ушбу кўрсаткич деярли 30 фоизни ташкил этади) [1].



Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасига иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. «2015 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келгани бу тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва таъсири нақадар катта эканини кўрсатди» [2].

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан хизматлар соҳасини кредитлаш самарадорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

1. Кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлашга доир миллий қонунчилик ҳужжатлари қоидаларини такомиллаштиришнинг зарурлиги.

Мажбурият ижроси таъминотини қонуний расмийлаштириш мажбурият ижроси 100% таъминланганлигини билдирмаслигини амалиётда мажбурият ижроси таъминотга қаратилганда юзага келаётган муаммолар таъкидлаб турибди.

Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг» тўғрисидаги қонунининг 20 – моддасида «лизинг шартномасига боғлиқ равишда сарфланган маблағлар қайтарилишининг кафолати сифатида лизинг берувчи лизинг олувчидан таъминлаш берилишини, шу жумладан гаров, банк кафолати ёки учинчи шахснинг кафиллиги кўринишидаги таъминлаш берилишини талаб қилиши мумкин»лиги белгиланган [3]. Мазкур қоида асосида кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлашда хизмат кўрсатиш соҳаси тизими субъектларида бир қатор қийинчиликлар юзага келмоқда:

а) гаров объектларининг етишмаслиги;

б) банк кафолатларининг хизмат кўрсатиш соҳасининг мажбуриятлари учун берилмаётганлиги;

в) оғир экологик муҳит таъсирида бўлган Қорақалпоғистон Республикасида учинчи шахслар кафиллигига қодир бўлган субъектлар фаолиятининг нобарқарорлиги.

Мажбурият ижросини лозим даражада бажарилишини таъминлаш учун белгиланган амалдаги қонун талаб ва қоидалар қай даражада мукамал тузилган бўлмасин юзага келаётган муаммолар ечимини ижобий ҳал этишда мураккаб вазиятлар асосан таъминотнинг иккиламчи манбалари асосида иш юритиш жараёнида юзага келмоқда.

2. Тижорат банклари фоизли даромадларининг камайиш ҳолатларининг мавжудлиги.

Тадқиқот жараёнида айрим банкларда фоизли даромадларнинг камайиб бориши кузатилди. Кредит қуйилмаларининг ортишига қарамай фоизли даромадларнинг камайиб бориши, муносабатда иштирок этувчи томонлар фаолиятида кредитнинг роли ва самарадорлиги камайиб бораётганлигидан



шунингдек, мазкур банкларда кредит маблағларини ва уларни ҳисобланган фоизларни ундиришда муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

3. Тижорат банкларининг Кредит сиёсатида кредитнинг самарадорлигини тавсифловчи меъёрий кўрсаткичларнинг ўз ифодасини топмаганлиги.

Дунё банк амалиётида кредитларнинг самарадорлигини баҳолашда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади [125.]:

А. Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси (ККЗҚМЗАД).

$$\text{ККЗҚМЗАД} = (\text{ЗАС} / \text{БАЎС}) \times 100\% \quad (1)$$

бу ерда:

ЗАС – захира ажратмалари суммаси;

БАЎС – банк активларининг ўртача суммаси.

Ушбу кўрсаткичнинг юқори меъёрий даражаси 1,0 фоизни ташкил этади.

Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси кўрсаткичининг меъёрий даражадан юқори бўлиши тижорат банки таснифланган кредитлари таркибини ёмонлашганлигидан далолат беради.

Б. Муддати ўтган кредитларнинг мўътадил даражаси (МЎКМД).

$$\text{МЎКМД} = (\text{МЎКС} / \text{БК}) \times 100\% \quad (2)$$

бу ерда:

МЎКС – муддати ўтган кредитларнинг ўртача суммаси;

БК – брутто кредитлар.

Мазкур кўрсаткичнинг юқори меъёрий чегараси 3,0 фоиз қилиб белгиланган.

В. Муддати ўтган кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси.

Ушбу кўрсаткич 2-формула орқали ҳисобланади ва унинг юқори меъёрий даражаси 5,0 фоизни ташкил этади.

4. Муаммоли кредитлар билан ишлаш тизимининг яхши йўлга қўйилмаганлиги.

Кредитлаш жараёнларида юзага келаётган салбий омиллар таъсирини бартараф этиш юзасидан илмий асосланган амалий таклифлар ишлаб чиқиш ва кредит муносабатлари самарадорлигини ошириш тадқиқот олдидаги муҳим вазифа ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш, фикримизча, қуйидаги тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

1. Амалдаги қонунчиликда гарчи мажбурият ижроси таъминотлари иккиламчи манбааларига доир мукамал қонун ва қоидалар белгиланган бўлса-да, амалиётда кредитор талабини таъминотга қаратиш жараёнида юзага



келаётган муаммолар ечимини топиш учун банк ходимларининг таъминот предметлари билан иш юритиш малакаларини ошириш мақсадида:

– таъминот предметларининг турлари, уларни амалиётга татбиқ этишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва техник жиҳатлари мужассам бўлган услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши ҳамда мазкур қўлланмалар асосида банк ходимлари учун малака ошириш курслари ташкил этилиши лозим;

– кредитлашнинг «ипотека» шакли билан иш юритишда банкларда кредит объектини баҳолаш, уни техник инвентаризация қилиш, ипотека кредитлари мақсадлилигини текширишнинг техник-иқтисодий хусусиятлари тўғрисида малакаларини ошириш курсларини ташкил этиш лозим.

Мажбурият бажарилишини таъминловчи ҳимоя воситаларига белгиланган тартиб ва қоидалар қанчалик мукаммаллашмасин жамият тараққий этиб, муносабатлар такомиллашиб борган сари, мажбурият ижроси хавфи, айниқса, кредитор учун қарздордан қарз маблағи ва унга ҳисобланган фоизларни ундириб олишдек оғир муаммо ҳамиша сақланиб қолаверган. Чунки, қарз бериш жараёнида молиявий аҳволи юқори баҳоланган ҳамда мажбуриятни бажариш таъминотига эга деб топилган ҳар қандай шахс ҳам қарз маблағидан фойдаланиш жараёнида объектив ва субъектив сабаблар таъсирида ночор аҳволга тушиб қолиши кредитор учун нафақат устама фоизларни, балки қарз маблағини ҳам қайтариб олиш муаммосини вужудга келтиради. Шунинг учун мажбурият бажарилиш кафолати ҳисобланган таъминотга қўйиладиган талаб ва қоидалар мукаммаллашуви устида кредитор доимо бош қотириши лозим.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 259-моддасида «Мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздор мол-мулкани ушлаб қолиш, кафиллик, кафолот, закат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин»лиги белгилаб қўйилган. Амалиётда кредит муносабатларида асосан гаров, учинчи шахслар кафиллиги ва неустойка каби таъминот усуллари қўлланилади. Лекин таъминотнинг бу усуллари билан иш юритишда банк ходимлари томонидан қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқдаки, натижада кредитор банк мажбурият ижросини таъминот объектига қаратиш ва ҳеч бир монеликсиз қарздор мулкига эгалик қила олишида муаммолар юзага келмоқда. Мавжуд муаммолардан бири юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, «ипотека» кредитларида кредит объектини баҳолаш ва уни техник инвентаризация қилишда ходимларда билим ва малакаларнинг етишмаслигидир.

Айнан, шунинг учун ҳам кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларда муаммолар юзага келаётган оғир экологик муҳит таъсирида бўлган Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредитларнинг ролини ва унинг самарадорлигини ошириш масалаларини ҳал этишда амалдаги қонун



хужжатларида белгиланган таъминот предметларини расмийлаштиришга оид қоидаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб этилади.

Кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларини кредитлар ва мажбурият ижросини таъминлашнинг ўзига хос усулларини татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг» тўғрисидаги қонунининг 20 – моддасига ва Фуқаролик кодексининг 259-моддасига, қуйидаги қўшимча киритиш таклиф этилади. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 259-моддасига: «Мажбурият ижроси учун субъект мулкдорларининг мулккий мажбуриятни зиммасига олиш тўғрисидаги қафолати қабул қилинган ҳолларда кредитор (лизинг берувчи) мулкдорлар ҳаёти ва мол-мулкани суғурта қилдиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга» [4].

Таъминот билан боғлиқ масалада хизмат кўрсатиш соҳа тизими субъектларида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги ёки таъминот объектини гаровга қўйиш билан боғлиқ харажатлар учун маблағнинг етишмаслиги банк кредитларидан фойдаланиш имкониятини чеклаб, улар фаолиятининг ривожланишида тўсиқ бўлиб турган муаммолардан биридир. Бу муаммонинг ижобий ҳал этилиши оғир экологик муҳит таъсирида бўлган Қорақалпоғистон Республикаси учун долзарб ҳисобланади. Чунки, оғир экологик муҳит шароитида истиқомат қилаётган аҳоли ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, умуминсоний фаолият узвийлигини таъминлашда иқтисодиётнинг бутун пойдевори таянадиган соҳа тизими бўлган инфратузилма фаолиятини ривожлантириш мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

2. Кредит муносабатлари самарадорлиги кўрсаткичларидан бири фоиз даромади ҳисобланади.

Амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, айрим тижорат банкларида фоизли даромадлар миқдорининг камайиши кузатилмоқда. Бу эса, банкларнинг молиявий барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтириши мумкин. Мазкур ҳолатнинг сабаби кредит маблағларининг хўжалик субъектлари фаолиятидаги айланма ҳаракатида муаммолар мавжудлиги, яъни, кредит муносабатининг самарасиз яқунланиш хавфи юзага келаётганлигидир. Мазкур муаммони бартараф этиш учун, фикримизча, фоизли даромад келтирувчи ҳар бир муносабатни инвентаризация қилиш тадбирларини амалга ошириш йўли билан кредит муносабатларини сегментлаш лозим.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича банк фаолиятида юзага келувчи рискларнинг ҳеч бири ўз қобиғига ўралган ҳолда алоҳида юзага келиши мумкин эмас. Кредит муносабатлари самарадорлигининг кескин пасайиб бориши ўз навбатида - кредит рискларининг юзага келтириб чиқариши, бу риск эса ўз навбатида даромад ололмаслик, тўлов қобилятини йўқотиб қўйиш (банкротлик) каби банк фаолияти учун хавфлилик даражаси юқори бўлган



рисklarни келтириб чиқариши мумкин. Инвентаризация натижасига қараб, фоиз тўловларини ўз вақтида бажара олмаётган мижозлар гуруҳини кредит ва даромад ололмайд қолиш rischi сифатида баҳоланиб, riskдан муҳофазаланиш тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим.

3. Хизматлар соҳасини кредитлаш самарадорлигини ошириш мақсадида муаммоли кредитлар, захира ажратмалари ва кредитларнинг баҳосига нисбатан меъёрий даражалар жорий этиш зарур.

Бунда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан таклиф қилинган методикаларни, уларнинг меъёрий даражаларини ўзгартирмаган ҳолда, қабул қилиш тавсия этилади [5].

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан тавсия этилган методикалар хизматлар соҳасини кредитлаш жараёнида юзага келаётган қўйидаги муаммоларни ҳал қилиш имконини беради:

– таснифланган кредитлар таркибини ёмонлашиши билан боғлиқ бўлган муаммони (мазкур муаммо кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасини 1,0 фоиздан ошмаслиги таъминланганда ҳал бўлади;)

– муаммоли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғининг ошиши муаммоси;

– кредитлардан олинadиган фоизли даромадлар миқдорининг камайиши муаммоси.

4. Кўчма хизмат турларини кўрсатишга ихтисослашган кичик хизмат кўрсатиш субъектларини маъсулияти чекланган жамият ёки пай фонди шаклида бирлаштириш асосида уларнинг айланма маблағларини тўлдириш ва инвестиция харажатларини молиялаштириш мақсадига бериладиган кредитлар ҳажмини, уларга тегишли бўлган ликвидли активларни гаровга олиш йўли билан ошириш зарур.

Республикамизда маъсулияти чекланган жамият шаклидаги юридик шахс томонидан мулклар тижорат банки кредитлари учун гаровга қўйилиши учун Ўзбекистон Республикасининг «Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонуни талабларига мувофиқ унинг ваколатли органининг қарори асли ёки нотариал тасдиқланган нусхаси банкка тақдим этилиши лозим.

Кредит олингандан кейин кредитни маъсулияти чекланган жамият аъзолари ўртасида тақсимлаш тегишли ваколатли орган қарори билан ҳал қилинади.

Экологик муҳит муаммоси мавжуд бўлган Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳаси тизими субъектлари фаолиятини ривожлантиришда кредитларни роли ва самарадорлигини ошириш муаммоларидан яна бири, хизмат кўрсатиш соҳаси тизим субъектларининг мамлакат ҳудуди бўйича тарқоқ ҳолда стихияли тарзда фаолият



юритаётганлигидир. Бу ҳолат хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларини кредитлашда ҳудудий банклар учун бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Булар жумласига, кредитлашда талаб этиладиган ҳужжатлар йиғмажилдини тайёрлашда субъектлар фаолиятида малакали мутахассисларнинг мавжуд эмаслиги, муносабатларда иштирок этиш учун ҳуқуқий - иқтисодий билим ва малакаларининг етишмаслиги, фаолиятлари ташқаридан молиялашга муҳтож бўлган субъектларнинг баъзи бирларида айланма маблағларнинг етишмаслиги, баъзи бирларида эса айланма маблағ бўлгани ҳолда, фаолиятни юритиш учун бино ва иншоотларнинг, асбоб ускуналарнинг етишмаслиги кузатилган.

Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида, биринчидан, тижорат банкларининг кичик хизмат кўрсатиш субъектларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган харажатлари камаяди; иккинчидан, етарли гаров объектига эга бўлмаган кичик хизмат кўрсатиш субъектлари тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади; учинчидан, банк учун маъсулияти чекланган жамиятнинг тўловга қобиллигини алоҳида юридик шахс сифатида баҳолаш ҳамда унинг кредит тарихини шакллантириш имконияти юзага келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Обзор сферы услуг Западных стран. [www.export.by/act=s-doc@mode](http://www.export.by/act=s-doc@mode;); [http://aftershock.news](http://aftershock.news;); [Politeconomica. ru/feb 2013/malyj - biznes](http://Politeconomica.ru/feb_2013/malyj_biznes/); <http://aftershock.news>.
2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. - Б. 19.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 1999.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Тошкент: Адолат, 2007. – 520 б.
5. www.world.com